

# International Finance and Accounting

---

Volume 2018 | Issue 2

Article 11

---

4-1-2018

## USING EXPORT AND INFORMATION - SUPPORTING EQUIPMENT SYSTEMS FOR COMPUTING AUDITING ACTIVITIES

M. Azizova

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Azizova, M. (2018) "USING EXPORT AND INFORMATION - SUPPORTING EQUIPMENT SYSTEMS FOR COMPUTING AUDITING ACTIVITIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Азизова М. И. – ТМИ, катта ўқитувчи**  
**Ишонхўжаев М.А. – ТМИ, талаба**

## **АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШДА ЭКСПОРТ ВА АХБОРОТ – МАСЛАҲАТЧИ ТИЗИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

Ушбу мақолада аудиторлик фаолиятни компьютерлаштиришда эксперт ва ахборот – маслаҳат тизимларини қўллаш усули кўриб чиқилган ва уни компьютерда ечиш усуллари таҳлил қилинган. Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштиришнинг эксперт ва ахборот-маслаҳат тизимларини яратиш бўйича амалий ишларни ташкил этиш зарурлиги батафсил ёритилган. Бунинг учун аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул ташкилотларда иқтисодчилар, ҳисобчилар, аудиторлар, математиклар ва программистлардан иборат махсус бўлим ташкил этилиши керак. Аудит жараёнини автоматлаштириш аудиторлик ишининг самарасини оширади.

**Таянч сўзлар:** ички назорат, ички аудит, стандартлар, кўмита, нормативлар, тартибга солиш.

В статье раскрыта потребность в компьютеризованных информационных системах консультантов и экспертов к методу его решения. Рассматривается метод применения и компьютерного анализа. Полностью проявлена компьютеризация аудиторской деятельности консультантов информационными и экспертными системами для создания практических работ. Для этого аудитор несет ответственность за координацию деятельности организаций, экономистов, бухгалтеров, аудиторов. Должен быть специальный раздел, состоящий из математиков и программистов. Автоматизация аудита обеспечивает эффективность работы процесса аудита.

**Ключевые слова:** внутренний контроль, внутренний аудит, стандарты, нормы, регулирование.

The article reveals the need for computerized information systems of consultants and experts to the method of its solution, the method of application and computer analysis is considered. Computerization of Audit activity of consultants information and experts systems to create practical works of the need are completely showed. To do so, the auditor is responsible for coordinating the activities of organizations, economists, accountants, auditors, should be a special section consists of mathematicians and programmers. Automatisation of Audit makes effectiveness of the work of the audit process.

**Key words:** internal control, internal audit, standards, norms, regulation of the committee.

Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида хўжалик юретиш субъектларини бошқариш самарадорлигини оширишга бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички назорат бошқарувини ажралмас қисми сифатида фаоллаштириш ва такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ўз фаолиятини амалга ошириш давомида хўжалик юритувчи субъектларда кўпгина мустақил ва ўзаро алоқадор тизимларга эга бўлган мураккаб иқтисодий механизм амал қилади. Ушбу тизимлардан бири ҳисоб юретиш ва ички назоратни таъминлаш ҳисобланади. Бундай тизимлар корхоналарда нафақат бошқарув функцияси сифатида умумий мақсадларга йўналтирилишига қараб бирлашади, балки амалга ошириш босқичлари, яъни иқтисодий маълумотларни тайёрлаш, уларни таҳлил қилиш, баҳолаш, ички аудит хизмати иштирокида хатоларни тузатишларга кўра ҳам ягона тизимга бирлашади. Ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат қуроллари эгаси ҳисобланадиган корхоналарни ривожлантириш кўп жиҳатдан мазкур маблағларнинг бутлиги ва улар фаолият кўрсатишини самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, турли хил мулкчилик шакллари ва вужудга келиши туфайли ўз навбатида, иқтисодий назорат – тафтиш тартибида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий назорат бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Бошқарув тизимини зарурий маълумотлар билан таъминлайдиган, янги назорат қилувчи давлат ва нодавлат органлари вужудга келди ва амалда қўлланилмоқда. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби аудитнинг маълумотлар олиш базаси бўлиб ҳисобланади. Аудиторлар текшириш жараёнида текширишнинг махсус усулларидан фойдаланиб, аудиторлик далилларни йиғади, молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аудиторлик хулосалари билан тасдиқлайди ва ҳисоб маълумотларини тўғирлаш учун ўзларининг таклифини беради.

Аудиторлик фаолиятини халқаро андозалар талаблари даражасида ташкил қилиш бевосита замонавий ахборот технологияларига асосланган усулларни яратиш ва татбиқ этишга боғлиқдир.

Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш замонавий ахборот технологияларга асосланган ҳолда, нафақат аудитни амалга ошириш учун вақтни ва воситаларни тежашга, балки қўлда ҳисоблаб топиш мураккаб бўлган ахборотни ҳам олиш имконини беради. Бу ахборотлар, аввалам бор, корхонанинг стратегияси, хўжалик-молиявий ҳолатини яхшилаш йўллари ва воситаларига тегишлидир. Компьютерларнинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиб ва ўтган давр ахборотларига асосланиб ҳисобот даврида раҳбарият қандай йўл тутиши кераклигини, ҳисобот даври ахборотига асосланиб эса келгусида қандай ҳаракат қилиши стратегиясини аниқлаш имкони бўлди. Бу ахборотлар корхона ва

ташкilotлар раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган қарорга объектив баҳо бериш учун асос бўлади.

Аудит жараёнини автоматлаштириш аудиторлик ишининг самарасини оширади. Кўплаб меъёрий-маълумотнома ахборотларни компьютер хотирасида сақлаш бир томондан аудиторнинг имкониятларини оширади, иккинчи томондан эса назорат-маслаҳат тизимини яратиш имконини беради. Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш тизими қуйидаги компонентлардан ташкил топган бўлади:

- аудит жараёнини акс эттирувчи иқтисодий-математик, иқтисодий-ташкилий ва ахборот моделларидан;
- моделларни амалга оширувчи техник, дастурий маҳсулотлар, ахборот ва бошқа воситалардан.

Бунга кўра компьютер тизими функционал ва таъминот қисмлардан иборат бўлади. Функционал қисми аудитни бошқаришда ишлатиладиган ахборотлар ва математик моделларида, стандартларда, меъёрларда ва ҳоказоларда акс этган усуллардан, услубиятлардан ва кўрсатмалардан ташкил топади. Таъминот қисми эса аудит функциясини амалга оширишга қаратилган ахборот дастури, техник ва бошқа таъминотлардан иборат бўлади. Компьютер тизимининг функционал қисмини кенгроқ қарайдиган бўлсак, у функционал тизимлардан ва маълум белгилар бўйича ажратилган комплекс масалалардан иборат бўлади, масалан:

- аудит тури бўйича (ташқи, ички);
- аудит функцияси бўйича (назорат-тафтиш, бошқариш-маслаҳат, маслаҳат-прогноزلар ва бошқалар);
- аудит участкаси бўйича (ҳисоб ходимлари, ҳисоб тизими. Ҳисобот ҳужжатлари, администрация ва бошқалар);

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ташқи аудитни компьютерлаштириш тизими ички аудит тизимидан функциялари ва ахборот манбалари билан ва энг асосийси фойдаланувчилар билан фарқ қилади. Ташқи аудитга мўлжалланган тизим текшириладиган корхонанинг умумий стандартлари ва қодаларини ҳисобга олиш керак. Булар корхонага ташқаридан келади ва маълум умумий хусусиятга эга бўлади. Бундаги муаммо ташқи аудитни бажарадиган компьютер тизимининг корхонада мавжуд бўлган дастурлар воситаси муҳитига (операцион тизим, сервис воситалари ва бошқалар) мос келишидир.

Ички аудитни компьютерлаштириш тизими эса аксинча, у айнан ушбу корхона учунгина яратилган бўлиб, унинг ҳисоб хусусиятларини, молиявий ва бошқа кўрсаткичларини ҳисоблашни акс эттиради. Масалан, рентабелликни турлича усуллар билан ҳисобланади, аммо, корхонада аниқ бир усул қўлланилиши мумкин. Ташхислаш ва кўрсатмаларни бериш ҳам махсус тарзда амалга оширилиши мумкин. Булар корхонанинг раҳбарияти қўйган мақсад ва

вазифаларини ифодалайди. Мақсад ва масалалар эса корхона раҳбарияти белгилаган экспертлар томонидан шакллантирилган ва улар билан келишилган ҳолда қўлланилиши мумкин. Шунинг учун бу тизимни турли корхоналарга мослаштириш бир мунча мураккаб ва муаммоли бўлади.

Аудиторлик текширувида агар хато аниқланган бўлса, унинг сабабини аниқлаш лозим (қасдданми, тасодифийми ёки ҳисоб тизими сабаблими). Хатонинг сабабини мутлоқ, аниқ, таъкидлаш хатарлироқ. Шунинг учун ишонч коэффициентларидан ёки ноаниқ мантиқ назариясининг ишонч ўлчовларидан фойдаланиш мумкин. Бу коэффициентлар хатоликларнинг характеристикасини 0 дан 1 гача бўлган шкалада баҳолаш имконини беради.

Текширув натижалари махсус файлларда сақланади ва тизим иши охирида аудиторлик хулосаси учун фойдаланилади.

Корхона ҳисоботининг тўғри тузилганлиги ва ҳаққонийлигини текшириш масалаларида махсус тест жадвалларидан, текшириш қоидаларидан, стандартлар ва меъёрлардан фойдаланилади. Жадваллар кўрсаткичлари проводкалар, ҳисоб регистрлари ёзувлари орасидаги арифметик ва мантиқий боғлиқларни ўз ичига олади. Қоидалар экспертнинг билими асосида тузилади ва ҳисобчи ходимлар ҳаракатини текширишдаги аудитор бажарадиган ишлар кетма-кетлигини акс эттиради.

Эксперт ва ахборот – маслаҳат тизими учун зарур бўлган маълумотларнинг керакли формат ва керакли тузилмада, машина ташувчиларда бўлиши идеал вариант ҳисобланади. Бироқ, турли мижозлар мазмуни ва тузилишга кўра турли файлларга эга бўлганликлари сабабли, эксперт ва ахборот – маслаҳат тизими талаб қиладиган тузилма билан мос тушмаслиги мумкин. Бу ердан эса, мижозлар файлларини эксперт ва ахборот – маслаҳат тизимининг дастурий қобиғи қабул қиладиган шаклга ўгириш муаммоси келиб чиқади. Бу муаммони мижоз файлларини конвертация қилиш ўрнига эксперт ва ахборот – маслаҳат тизими дастурларини мижозлар файллари билан ишлаш учун параметрик созлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Эксперт ва ахборот – маслаҳат тизими файллари билан мижоз файлларининг ахборот мослигига икки йўл билан:

- мижознинг бухгалтерия тизими файлларини эксперт ва ахборот – маслаҳат тизимининг дастурий қобиғи қабул қила оладиган файлларга конвертация қилиш билан;

- эксперт ва ахборот – маслаҳат тизимининг дастурий қобиғини мижознинг ахборот манбаи тизимига параметрик созлаш билан эришиш мумкин.

Биринчи усул қуйидаги омиллар таъсирида турлича амалга оширилиши мумкин: Мижозда экспорт ва ахборот – маслаҳатчи тизимидаги ҳисоб тизимининг айна шу дастурий қобиғидан фойдаланиш; мижозда экспорт ва ахборот – маслаҳатчи тизимидан юқори даражадаги ҳисоб тизимининг дастурий

қобиғи мавжудлиги; миждозда маълумотларни қайта ишлашнинг марказлашган ёки тармоқли шаклларида фойдаланиш; бунинг таъсирида турли даражада кечадиган ахборотлар мослиги муолажаларини яратиш талаб қилинади. Энг содда, оддий - биринчи омил, бир дастурий тизим ичида файлларни конвертация қилиш назарда тутилади. Турли дастурий қобиқларда қайта ишланадиган файлларни конвертациялаш - иккинчи омилдир. Учинчи вариант - аралаш вариант бўлиб, у аудитор томонидан қўлда киритиладиган оператив кириш маълумотларни қисман қўллашга таянади. Аудиторлик текширишлар амалиётида бирламчи алоҳида ҳужжатлар киритилишининг мажбурийлик зарурати келиб чиқади.

Шундай қилиб, эксперт ва ахборот – маслаҳат тизимини ташкил қилишнинг стратегиясини танлаш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- корхонанинг аудиторлик фирмасининг доимий хизматидан фойдаланиш даражаси;
- корхонада ҳисоб юритиш ишларининг компьютерлаштирилганлик даражаси;
- корхона эксперт ва ахборот – маслаҳат тизими иш юритиши учун ўз ахборот манбаидан фойдаланишга розилиги.

Бу саволларга олинган жавобларга боғлиқ ҳолда миждозлар тармоғига хизмат қилувчи эксперт ва ахборот – маслаҳат тизимини ташкил қилишнинг самарали стратегиясини танлаш мумкин бўлади ва бу пировард натижада аудит иқтисодий самарадорлигини оширишга замин яратиши учун асос эканлигига урғу берамиз. Операцион аудит - иқтисодий самарадорлик ва унинг мезони бўлган тўла меҳнат унумдорлигига баҳо бериш мақсадида ҳўжалик тизими бўғинларининг фаолиятини текширишни ўз ичига олади. Меҳнат унумдорлиги ҳажми бўйича бутун иқтисодиётни, тармоқ, корхона, иш ўрни, алоҳида маҳсулот турини қамраб олади. Моҳияти бўйича белгиланган вақт ичида олинган маҳсулот сони билан намоён бўлади..

Аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаб чиқаришнинг зарурлиги қуйидаги сабаблар билан боғланади:

- Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотларни амалга ошириш жуда тез суръатлар билан олиб борилиши, аудиторлик фирмалари ўз ўрнини аниқ белгилаб олишини таъминлаш зарурлигини кўрсатмоқда;
- аудиторлик фаолиятида инсон омили биринчи ўринда туради, чунки таваккалчиликни инсон амалга оширади ва аудит натижаларидан ҳам инсонлар қарор қабул қилиш учун фойдаланадилар;
- рақобат шароитида аудиторлик фирмалари учун ишлатилмаётган, яшириниб ётган захираларни топиш зарур;

- аудиторлик фаолиятида самарали рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш учун;
- аудиторлик фаолиятида жонли ва жонсиз меҳнат ресурслари ўртасидаги муносаббатларни тартибга солиш учун;
- аудиторлик фирмаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун;
- фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатларни молиявий бошқариш тизимини барпо қилиш ва бошқалар.

Аудиторлик фирмаларида меҳнат унумдорлиги икки кўринишда баҳоланиши мумкин: эришилган натижа ва кўрсатилган хизматлар. Маълумки, аудиторлик фирмалари бир қатор хизматларни амалга оширадilar ва ҳар бир хизмат сўнги натижа билан яқунланиши керак. Кўрсаткичларнинг биринчи гуруҳи - эришилган натижа бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш аудиторлик фирмалари учун бир мунча тўғри келмаслиги ёки аниқ бўлмаслиги мумкин, негаки текшириш натижалари турлича бўлади ва аудит жараёнида бир қатор таваккалчиликка йўл қўйилади. Кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳи - кўрсатилган хизматлар бўйича, яъни миқдорга қандай хизматлар амалга оширилди?-деган саволга жавоб беради. Бу ерда бир нечта асосий хизматларни олиш мумкин: аудит хизматлари, солиқ хизматлари, бухгалтерия ҳисобини тиклаш хизматлари ва консалтинг. Хизматларнинг асосийси бу молиявий хўжалик фаолиятининг аудитидир. Молиявий хўжалик фаолиятининг аудити асосида ҳисобланган кўрсаткичлар аудиторлик фирмалари ўртасида самарадорликни баҳолашга имкон беради. Ушбу тартибдаги изланишларнинг сўнги натижаси қуйидаги масалаларга аниқлик киритади, яъни кўрсатиладиган хизматлар бўйича аудиторлик фирмалари ўртасидаги фарқни аниқлашда; миқдорларга тўланаётган ҳақларни ўрганиш натижасида ўзгариш суръатларининг кузатилишида. Олинган натижаларни аудитда қатнашган иштирокчилар сонига олиб бориб, уларга тўланган ҳақ ва ишлаган соатлар билан таққослаб, меҳнат унумдорлигига ўхшаш кўрсаткич олинишига эришилади. Тармоқлар хусусиятига кўра айрим текшириш турлари ўзгариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аудиторлик фаолиятини компьютерлаштиришнинг эксперт ва ахборот-маслаҳат тизимларини яратиш бўйича амалий ишларни ташкил этиш зарур. Бунинг учун аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул ташкилотларда иқтисодчилар, ҳисобчилар, аудиторлар, математиклар ва программистлардан иборат махсус бўлим ташкил этилиши керак.

Бўлим ходимлари мамлакатимизда ва чет элларда фаолият кўрсатаётган компаниялардаги аудиторлик фаолиятини компьютерлаштиришнинг ахборот тизимлари тажрибаларини ўрганган ҳолда, мамлакатимиз иқтисодиёти ва корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўз иш дастурларини тузишлари ва уларни амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
2. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. – М.: ИНФРА-М, 2013.
3. Терехов А.А. Аудит: законодательные решения. М.: Финансы и статистика, 2012.
4. Васильева Н. В. Стандарты и методы внутреннего аудита // Accounting Report, 2011, март/апрель.
5. Андреев В.Д. Внутренний Аудит. – Москва «Финансы и статистика», 2012.
6. Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари. : Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 16 б.
6. <http://www.audit.uz>.
7. <http://www.gov.uz>.
8. <http://www.lex.uz>.
9. <http://www.mf.uz>.
10. <http://www.uza.uz>.